

ФИЛОЛОГИК ЙЎНАЛИШЛАР УЧУН ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИКЛАРИНИ ЯРАТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Гулшан Асадовна АСИЛОВА

Педагогика фанлари доктори

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

ОСОБЕННОСТИ СОЗДАНИЯ УЧЕБНИКОВ НОВОГО ПОКОЛЕНИЯ ДЛЯ ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ

Гулшан Асадовна АСИЛОВА

Доктор педагогических наук

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы
имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

CHARACTERISTICS OF CREATING NEW GENERATION TEXTBOOKS FOR PHILOLOGICAL DIRECTIONS

Gulshan Asadovna ASILOVA

Doctor of Pedagogy

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature after Alisher Navoi
Tashkent, Uzbekistan gulshanasilova@gmail.com

UDC (УЎК, УДК): 378.1

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Асилова Г.А. Филологик йўналишлар учун янги авлод дарсликларини яратиш хусусиятлари // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 6 (41). — Б. 130-140.

<https://doi.org/10.36078/1644411222>

Received: October 22., 2021

Accepted: December 17, 2021

Published: December 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Мақола олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун яратилаётган янги авлод дарсликларига узвийликка амал қилиш муаммосига бағишланган. Таълимнинг самарадорлигига эришишда ўқув-методик таъминотнинг сифати муҳим аҳамиятга эга эканлиги маълум. Замонавий ўқув адабиётларидан нафақат бевосита ўқув жараёнида, балки мустақил таълим, масофавий таълимнинг турли шаклларида ҳам фойдаланиш мумкин. Таълим олувчиларнинг фанни ўрганишга бўлган мотивациясини ошириш учун ўқув адабиётларини яратишда интегратив ёндашувга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Олий таълимнинг бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун янги авлод дарсликларига қўйилаётган талаблар уларни яратишда узвийлик тамойилига амал қилишни тақозо этиши масаласи мақолада таҳлилга тортилган. Филологик йўналишларда бакалаврият ва магистратура талабалари учун тайёрланадиган дарсликларда компетент ёндашув ҳамда касбга йўналтириш тамойилларига амал қилиш юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда муҳим ўрин тутди. Дарсликларнинг материали таълимнинг асосий мақсадларига жавоб бериши ҳамда билим ва малакаларнинг муайян даражасига эришишга қўмаклашиши лозим. Мақолада турли таълим босқичлари учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда уларнинг қайси хусусиятларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида сўз юритилган. Бакалаврият ва магистратура талабалари учун ўқув адабиётларини тайёрлашда узвийликка амал қилиш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: филологик таълим; ўқув адабиётлари; ўқув дастури; таълимда узвийлик; бакалаврият; магистратура; янги авлод дарсликлари; технологик дарсликлар.

Аннотация. Статья посвящена проблеме соблюдения преемственности в учебниках нового поколения, создаваемых для направлений и специальностей высшего образования. Известно, что качество учебно-методического обеспечения играет важную роль в достижении эффективности обучения. Современную учебную литературу можно использовать не только в непосредственном учебном процессе, но и в различных формах самостоятельного и дистанционного обучения. Для повышения мотивации у обучающихся важно уделять особое внимание на интегративный подход в создании учебной литературы. Согласно требованиям к учебникам нового поколения, создаваемым для направлений бакалавриата и специальностей магистратуры, в их разработке необходимо соблюдать принцип преемственности. В учебниках, которые готовятся для студентов бакалавриата и магистратуры филологических направлений, важно учитывать компетентностный и профессионально-ориентированный подход в подготовке высококвалифицированных специалистов. Материал учебников должен соответствовать основным целям обучения и способствовать достижению определенного уровня знаний и умений. В статье говорится о том, какие особенности учебников и учебных пособий для различных этапов обучения необходимо учитывать при их создании. Даны рекомендации по соблюдению преемственности в подготовке учебной литературы для студентов бакалавриата и магистратуры.

Ключевые слова: филологическое образование; учебная литература; учебная программа; преемственность в обучении; бакалавриат; магистратура; учебники нового поколения; технологические учебники.

Abstract. The article is devoted to the problem of observing continuity in new generation textbooks created for areas and specialties of higher education. It is well known that the quality of educational and methodological support plays an important role in achieving study effectiveness. Modern educational literature can be used not only in the direct educational process, but also in various forms of independent and distant learning. In order to increase the motivation of students, it is important to pay special attention to an integrative approach in the creation of educational literature. According to the requirements for new generation textbooks created for undergraduate and graduate specialties, the principle of continuity should be observed in their development. In the textbooks that are prepared for undergraduate and graduate students in philology, it is important to take into account the competence-based and professionally oriented approach in the training of highly qualified specialists. The material of the textbooks should correspond to the main objectives of learning and contribute to the achievement of a certain level of knowledge and skills. The article discusses what characteristics of textbooks and teaching aids for various stages of training should be taken into account when creating them. Recommendations on observing continuity in the process of preparation of educational literature for undergraduate and graduate students are given.

Keywords: philological education; educational literature; curriculum; continuity in training; bachelor's degree; master's degree; new generation textbooks; technological textbooks.

Кириш. Дунёда ахборот оқимларининг кундан-кунга кўпайиши таълим усулларини мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо қилмоқда. Бугунги кунда интернетдан исталган мавзудаги маълумотларни олиш, шунингдек фикрни, мулоқот предметини бир зумда етказиб бериш имконияти мавжуд ва бу таълим сифатига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Замонавий таълим жамиятдаги ўзгаришлар билан бирга янгилашиб боровчи шароитларга мослашиб, ҳар қандай вазиятда энг мақбул ечимни топадиган инсонни тарбиялаш тамойилига асосланади. Таълим жараёнининг асосини ташкил қиладиган ўқув материаллари ҳам ушбу тамойилга мувофиқ яратилади.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимига қўйилаётган талаблар ўқув адабиётларини яратишда янги, илғор ва самарали педагогик технологиялар, метод ва усулларни қўллашни тақозо қилмоқда. Бугунги ўқувчи-талабаларни эски типдаги ўқув адабиётлари қониқтирмайди, чунки ахборот майдонига кириш имкониятига эга бўлган инсон танлаш ҳуқуқидан тўлиқ фойдалана олади. Бу янги авлод дарсликлари деб ном олган ўқув адабиётларини яратадиган мутахассислар олдида янада кучли талаблар қўяди. Олий таълим тизимида услубий-дидактик таъминотни компетенциявий ёндашув ва касбга йўналтириш тамойилларига асосланиб яратиш, дарсликларни такомиллаштиришда алоҳида эътибор бериш лозим (5, 36). Мазкур вазифа олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида белгиланган "... халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш"дан келиб чиқади (10).

Асосий қисм. Замонавий таълим стандартларига мос янги авлод дарсликлари босма ёки электрон шаклидан қатъи назар, қатор умумдидактик (компетент ёндашув, модуллиқ ва кўп даражалиқ, интегративлиқ) ва лингводидактик (аутентиклиқ, замонавийлиқ, ахборотлиқ ва функционаллиқ) тамойилларига асосланади. Янги авлод дарсликларини яратишда интегратив ёндашув муҳим роль ўйнайди. Жумладан, филологик йўналишлар учун мўжалланган дарсликларга мавзуга қараб ижтимоий-тарихий, фалсафий, иқтисодий, психологик ва шу каби материалларни киритиш дарсликларнинг мазмунини бойитади, уларнинг мотивацион жиҳатларини кучайтиради. Маълумки, филологик йўналишда таълим олиш танланган тил доирасида универсал мутахассис бўлиш имкониятини тақдим этади. Бугунги кунда филология аввалгидек тил меъёрлари ҳамда адабий меросни ўрганишдангина иборат бўлиб қолмасдан, илмий соҳа сифатида ниҳоятда кенгайди. Хусусан, инсон тили ва онги ўртасидаги муносабатлар, когнитив тилшунослиқ, тилни ўрганиш ва хотирада мустаҳкамлаш жараёнларининг хусусиятларига оид тадқиқотлар жадал ривожланмоқда. Филологик таълим инсоннинг ахборот маданиятини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис бўлажак филологларга таълим беришда улардан маънавий

кенгфидрилик, чуқур мушоҳада юрита олиш талаб қилинишини эътиборга олиш зарур. Бу борада ўқув адабиётларининг савияси ва сифати муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув адабиёти педагогик тизимнинг батафсил модели, таълим жараёнининг сценарийси вазифасини бажаради ва таълим олувчилар томонидан ўқув фанини ўзлаштириш технологиясини белгилайди. Бугунги ўқув адабиётлари босма нашрлар билан чегараланмайди. Замонавий дарсликларнинг босма ва электрон форматларда тайёрланиши ўқув фаолиятини рационал тақсимлаш ҳисобига таълим жараёнини самарали ташкил этиш имконини беради. Бунда талабалар нафақат аудитория машғулотида, балки мустақил таълим жараёнида ҳам зарур ўқув материаллари билан таъминланадилар. Янги авлод дарсликлари, шунингдек, масофавий таълимнинг турли шакллари учун ҳам асос вазифасини ўтайди, бу эса кундузги таълимнинг имкони бўлмаган ҳолларда билим олишга кўмаклашади.

Ўқув-методик таъминотнинг асосини ташкил қиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар мунтазам янгилаб туришни талаб қилади, бу бир ўқув адабиётининг оптимал хизмат муддати 4-5 йилдан кўп бўлмаслиги билан изоҳланади, амалда эса олий таълим муассасаларида ўқув адабиётлари 6-7 йилда, аксарият ҳолларда янги тираж ҳисобига янгиланади (2, 167). Баъзи маълумотларда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг мазмун, дидактик, методик ва ташкилий жиҳатдан 10-12 йилда маънан эскириши таъкидланади (8).

Охирги ўн йил ичида филологик йўналишлар талабалари учун чоп этилган, янги авлод дарсликларининг таҳлили уларнинг аввалги дарсликлардан фарқи асосан услубиятида ва ташқи кўринишида, баъзан тузилишида эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ аксарият ҳолларда улар мазмуни, мавзуларнинг ёритилиши, саволлар ва машқларнинг берилиши жиҳатидан аввалги дарсликлардан фарқ қилмайди.

Янги авлод дарсликларига қўйилган талаблар, жумладан, “маълумотлар узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш; дарслик тузилмасининг таркибий қисмларини бойитиш; ўқув материалларининг ҳам мазмунан, ҳам тузилмавий яхлитлигини таъминлаш; дарслик материалларида интегртив ва компетенциявий ёндашувни, инновацион таълим усулларини акс эттириш”дан иборат (4, 93). Шунингдек, дарслик ўқув жараёнининг амалдаги тизимида хизмат қилибгина қолмасдан, яқин келажакда ҳам таълим олувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлиши муҳим. Ўқув адабиётларининг ҳажми фаннинг ўқув режасидаги вазифаси ва ўрнига ҳамда ушбу курсга ажратилган вақтга мувофиқ бўлиши талаб қилинади (3).

Методик адабиётларда дарсликларнинг қуйидаги дидактик вазифаларига эътибор қаратилади:

- мотивация берувчи;
- ахборот берувчи;
- назорат-коррекция қилувчи (7, 153).

Бугунги кунда таълим жараёнини янги инновациялар ёрдамида ривожлантириш йўлида олий таълим тизими олдида турган муҳим вазифаларга бакалаврият ва магистратура учун янги авлод дарсликларини яратиш киради. Шунинг учун олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар бўйича яратилган

дарсликларнинг мазмуни таълимнинг узвийлиги ҳамда узлуксизлиги тамойилига қандай амал қилинаётганини аниқлаш мақсадида ўрганилди. Филологик йўналишларнинг бакалаврият талабалари учун яратилган анъанавий дарсликларнинг таҳлили қуйидагиларни кўрсатди:

1. Ўқув материалнинг мураккаб тарзда баён қилиниши, дарслик матнларининг ҳажми катталиги ўқув курси ва ундаги мавзуларнинг ўзлаштирилишига салбий таъсир кўрсатади, чунки бугунги талабалар асосан тасвирий, ёрқин кўринишдаги ахборотни қабул қилишни истайдилар.

2. Дарсликларда мавхум мисоллар, амалиётга йўналтирилмаган, назарий характердаги топшириқларнинг берилиши ўқув курсининг мазмуни тезда унутилишига олиб келади. Таълимга компетент ёндашувда ривожлантирувчи таълим тамойили етакчи бўлганлиги туфайли унда асосий ўрин муаммоли таълимга берилиши керак.

3. Дарсликларда мавзуларнинг мантикий изчилликда берилишига риоя қилмаслик талабаларда ўқув курсининг мақсади, мазмуни ва амалий фойдаси ҳақида яхлит эмас, фрагментар (узук-юлук) тасаввур ҳосил бўлишига олиб келади. Натижада талаба вақт ўтгандан кейин ўқув курсини айрим мавзулар кўринишидагина хотирлайди.

4. Дарсликларда эслаб қолишга қаратилган материалларнинг керагидан ортиқлиги, ахборотни ёдда сақлаш ва қайта баён қилишга қаратилган топшириқлар ҳамда саволларнинг берилиши фақат назарий билимларнинг шаклланишига олиб келади. Бироқ бугунги таълимнинг мақсади ахборотни репродуктив тарзда қайта баён қилиш эмас, вужудга келган муаммони олинган билимлар ёрдамида мустақил тарзда ечишга ўргатишдан иборатлигини унутмаслик лозим.

5. Давлат таълим стандартлари талабларига кўра дарсликнинг номи фаннинг ўқув дастури номига мувофиқ бўлиши керак. Дарсликнинг тузилиши эса фан ёки ишчи ўқув дастуридаги мавзулар номига мос равишда шакллантирилади. Бироқ аксарият дарсликлар ўқув курсининг маъруза материалларидан иборат бўлиб қолган. Бундай адабиётларнинг “умри” уларда акс этирилган маълумотларнинг эскириш тезлигига боғлиқ равишда жуда қисқа бўлади. Дарсликнинг вазифаси берилган мавзуни қуруқ матн ёрдамида очиб беришдан иборат эмас. Замонавий шароитларда таълим жараёнининг самара беришини таъминлайдиган дарслик ахборот-таълим муҳитини яратиши, у эса, ўз навбатида, таълим субъектлари томонидан яратилган ахборот, методик ва техник ресурслар мажмуаси сифатида таълимий мақсадларга эришишга йўналтирилиши керак (6, 47).

Ҳозирги талабларга кўра, фаннинг ўқув-услубий таъминоти анъанавий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан бир қаторда, рақамли таълим ресурслари ёки фақат электрон дарсликлардан иборат бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги 816-сон қарориди (9) барча ўқув адабиётларига қўйилган умумий талаблар акс эттирилиб, ўқув адабиётларининг шакллари ва турлари, уларни яратиш ва нашр қилиш тартиби, электрон ўқув адабиётларини яратиш тамойиллари белгиланган. Охирги йилларда яратилган ўқув адабиётлари қаторидан

технологик дарсликлар муносиб ўринни эгалламоқда. Технологик деб аталишининг сабаби мазкур дарсликларнинг деярли тўлиқ янги таълим технологияларидан иборат эканлигидадир. Ушбу дарсликлар бутун ўқув жараёнининг структурасини бошқаради (1).

Маълумки, таълимнинг турли босқичлари учун ўқув адабиётларини яратишда уларнинг ўзига хос жиҳатларини назарда тутиш лозим. Хусусан, бакалавриат йўналишлари учун тайёрланадиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларга қуйидаги талабларнинг қўйилиши, айниқса, долзарб деб ҳисоблаймиз:

1. Ўқув адабиётининг мавзулари, мазмуни ва матнлари узлуксиз таълимнинг бошқа турлари ва босқичларидаги мавзу, мазмун ва матнларни такрорламаслиги керак. Бакалавриат босқичида ўтиладиган фанларни олсак, уларнинг ишчи ўқув дастурлари мазмуни фан дастурига мувофиқ тузилади. Демак, фан дастурида ҳам узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига амал қилиниши зарур. Умуман олганда, ҳар қандай ўқув фанининг дастурини яратишда талаба таълимнинг аввалги босқичларида қандай фанларни ўзлаштиргани, уларнинг асосий мазмуни нимадан иборат бўлганлигини ҳисобга олиш керак.

2. Ўқув адабиёти таълим олувчиларнинг ёши, психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиши, ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши, уларда мустақил таълим олишга қизиқиш уйғотиши керак. Албатта, дарслик ва ўқув қўлланмаларга киритиладиган ўқув материали, биринчи навбатда, шу дарсликни ўрганувчилар учун тушунарли бўлиши керак. Бироқ таълимнинг асосий тамойилларидан бири — ривожлантириш эканлигини унутмаган ҳолда, дарсликда умумэтироф этилган ғоялар, тушунчалар, таърифлар билан бир қаторда талабани фикрлашга, муаммонинг ечимини излашга ундайдиган технологияларни қўллаш бугунги кун талабларидан биридир.

3. Ўқув материалларининг мазмуни мавҳум илмий билимдан аниқ касбий билимга, билимдан амалий кўникмага ўтишга йўналтирилиши лозим. Бу талабаларда уларнинг келгуси касбий фаолиятида зарур бўлган компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

4. Ўқув адабиёти касбий характерга эга бўлган ва мустақил ишлаш учун мўлжалланган муаммоли саволлар, топшириқлар, машқлар, лойиҳалар билан таъминланиши зарур. Шу билан бирга, бакалавриат босқичи учун яратиладиган ўқув адабиётларида илмий услуб етакчи бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз, чунки талабани босқичма-босқич дастлабки илмий изланишлар бўлмиш илмий-ижодий иш турларини яратишга йўналтириб бориш мақсадга мувофиқ.

5. Дарсликдаги топшириқ ва вазифаларни тузишда амалий ишларнинг талабалар томонидан нафақат индивидуал тарзда, балки жуптикда, кичик гуруҳларда ва жамоа бўлиб бажарилиши мумкинлигини назарда тутиш керак. Кўп йиллардан буён таълимда интерфаол усуллар кенг қўлланмоқда. Бу мазкур усул ва технологияларни ўқув адабиётларида ҳам акс эттиришни тақозо қилади. Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш ва компетенцияларнинг шаклланганлиги натижаларини ўзида текшириш ва назорат қилиш дарсликка етарлича миқдордаги турли хил ва шаклдаги машқ ҳамда топшириқларни киритиш йўли билан амалга

оширилади. Бунда шуни эса тутиш муҳимки, масала, машқ, топшириқ, тест, савол, кейс ва компетенцияларни ўзлаштириш даражасини назорат қилиш ҳамда аниқлашнинг бошқа воситалари яхлит тизимни ташкил қилиши, ўқув материални ўзлаштиришдан кўзда тутилган натижаларга мувофиқ келиши керак.

6. Ўқув материалларида талабаларни фаол бўлиш ва танқидий фикрлашга ундайдиган, уларнинг фанга бўлган қизиқишларини кучайтирадиган жиҳатлар бўлиши мақсадга мувофиқ. Талаба тайёр моделларни ўзлаштириши эмас, улар воситасида шунга ўхшаш вазиятлар ҳамда муаммоларга дуч келганда мустақил қарор қабул қилишга ўрганиши керак. Фаол амалий ишлашни тақозо қиладиган ўқув вазиятларини яратиш ўқув материални ўзлаштириш самарасини оширади.

7. Дарслик талабага илмий ҳамжамият томонидан мазкур фанни ривожлантиришга доир изланишлар кўламини ҳамда уларнинг давом этаётганлигини кўрсатиши зарур. Масалан, ҳар бир мавзунинг назарий баёни якунида “бу ҳақда батафсил ўқишингиз мумкин” каби ҳаволалар берилиши мақсадга мувофиқ.

Дарсликнинг сифатини баҳолашда унда акс эттирилган маълумотлар ҳажми ёки уларнинг ўзлаштирилиши алгоритми эмас, талабаларда компетентликни шакллантиришга бўлган ёндашувлар биринчи ўринда туриши керак, деб ўйлаймиз. Хусусан, дарслик яратиш мақсадида иш бошлаган муаллиф ўзи учун қуйидаги жиҳатларни аниқлаб олиши зарур:

— дарслик мазмуни нимадан иборат ва унинг тузилиши қандай бўлади;

— талабани фан мазмунига қандай қилиб йўналтириш ва унга қандай мотивация бериш керак;

— билимлар дарсликда қандай тақдим этилади;

— ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малакалар қай тарзда ўзлаштирилади, компетенциялар қандай шакллантирилади;

— билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш ва компетенцияларнинг шаклланганлиги натижаларини ўзида текшириш ва назорат қилиш қандай амалга оширилади.

Шу тариқа, дарсликнинг структураси аниқ бўлгач, ҳар бир мавзунинг ёритиш усул ҳамда технологияларини танлашдан олдин муаллиф ўз олдига қуйидаги саволларни қўймоғи лозим:

— мавзунинг мураккаблик даражаси қандай (сода, ўрта, ўртадан юқори, мураккаб);

— мавзунинг қайси жиҳати кучлироқ: назарий ёки амалий;

— мавзунинг талаба келгуси фаолиятидаги аҳамияти ва ўрни;

— мавзу аввалги мавзуларни қайси жиҳатлари билан давом эттиради;

— мавзунинг ўзлаштиришда мустақил ўрганишнинг салмоғи қай даражада.

Маълумки, дарсликда ўқув дастурининг барча мавзулари, ўқув қўлланмаларда эса мавзулар туркумлари ёки ўқув модуллари камраб олинади. Бироқ бугунги кунда талабаларга ўқув фани бўйича энг зарур ҳажмдаги ахборотни тақдим этиш учун дарслик, ўқув қўлланмалар ва терминлар луғатларининг ўзи кифоя қилмайди. Ўқув дастурига мос равишда электрон модул яратилиб, унда талабалар учун практикум

(амалий топшириқлар тўплами), семинарлар, амалий машғулотлар ва лаборатория ишларига тайёргарлик кўриш учун услубий қўлланма, муаммоли топшириқлар (кейс-стади, казус, клаузура ва б.), тестлар тўпламлари, назорат саволлари, тренинглари ва бошқа материаллар киритилади. Ушбу тамойилларга амал қилиш бўлажак филологлар, тил бўйича мутахассисларга мўлжалланган ўқув адабиётларида, айниқса, муҳим, негаки замонавий тил дарсликлари бугунги кунда дунёда қўлланаётган энг қизиқарли тил ўқитиш методларига бой эканлиги билан ажралиб туради. Дунёда оммалашиб бораётган полилингвизм шароитида тилшуносликка оид дарсликларда тил универсалиялари ҳодисалари акс эттирилиши табиийдир.

Олий таълим муассасаларининг филологик йўналишлари талабалари учун яратиладиган дарсликларни ўрганиш яна шуни кўрсатдики, яхши дарслик бир ёки икки муаллиф томонидан яратилмайди. Янги авлод дарсликлари муайян фаннинг моҳиятини чуқур идрок этадиган ҳамда барча хусусиятларини яхши англайдиган тажрибали филологлар, лингводидактика мутахассислари, методистлар жамоаси томонидан яратилади. Бундай жамоа дарсликларнинг концепциясини ишлаб чиқишга қодир бўлиши лозим. Хусусан, ҳар бир дарсликнинг кириш қисмида унинг асосий вазифалари аниқ кўрсатилган бўлиб, уларнинг бажарилиши дарслик мазмунида тўлиқ акс этиши керак. Дарслик — кўп йиллик педагогик тажриба маҳсули, шу боис аксарият ҳолларда дарслик яратилгунга қадар унинг муаллифлари оддий дарс ишланмаларидан бошлаб ўқув қўлланмагача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтадилар. Дарслик материаллари йиллар давомида апробациядан ўтади, тузатишлар, ўзгартиришлар киритилади, янги маълумотлар билан бойитиб борилади.

Филологик йўналишлар учун бакалаврлар ва магистрларни тайёрлаш хусусиятлари ҳар бир босқичга мўлжалланган ўқув адабиётларини алоҳида тамойиллар асосида яратишни талаб қилади. Ёндош фанларнинг бакалаврият ва магистратура босқичида ўрганилишида қуйидаги жиҳатларни эътиборга олиш зарур:

- фанни ўрганишга умумий ёндашув;
- ўқув материалининг мазмунида кетма-кетликка риоя қилиш;
- методика ва йўналишларни белгилашда, тасвири материалларни танлашда умумий ёндашув;
- дарсликларнинг услубидаги умумийлик.

Шу билан бир қаторда, бакалаврият босқичида асосан амалиётчи филологлар, магистратура босқичида эса тадқиқотчи филологлар тайёрланишини эътиборга олиб, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг концепциясида бунинг акс этириш мақсадга мувофиқ.

Ўқув ахборотининг ривожланиш жараёнида қуйидаги тартиб кузатилади: кейинги босқич (бакалавриятдан магистратура)га ўтишда мазмун мураккаблашиб боради; кейинги мавзунинг ўрганишга ўтишда эса мазмун, тушунчалар, вазифалар ва топшириқлар мураккаблашиб боради. Умумлаштириб айтганда, аввалги босқичда олинган билимлар кейинги босқичлар учун таянч бўлиб бориши керак. Демак, бакалаврларни тайёрлашнинг сифати умумтаълим ва касбий дастурларнинг кейинги босқичлари самарадорлигини белгилаб берувчи муҳим омилга айланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги янги Қонунига кўра магистратурада таълим олиш давомийлиги камида бир йил этиб белгиланди (11). Шу боис бир қатор мутахассисликлар бўйича магистратуранинг бир йиллик эканлигини нафақат уларнинг ўқув режаларида, балки фанлар бўйича ўқув адабиётларини яратишда ҳам албатта эътиборга олиш керак. Бундай мутахассисликлар бўйича барча зарур компетенциялар қисқа давр ичида эгалланиши кўзда тутилган. Бу эса ўқув материалга нафақат мазмун жиҳатдан, балки уни тақдим этиш шакли нуқтаи назаридан ҳам алоҳида ёндашувни талаб қилади. Яна шуни ҳам эътиборга олиш керакки, магистратура мутахассисликлари учун ўқув адабиётларини яратишда ўқув материалнинг ҳажми бакалаврият босқичидагидек қатъий чегараланмайди. Бу эса дарслик муаллифларига бир қадар эркинлик беради, яъни мавзуларни тақдим этишда талабаларнинг фанга қизиқишларини чеклаб қўймайди.

Магистратура учун ўқув адабиётларини яратишда асосий эътибор фаолиятга қаратилади. Бунда аввалги таълим босқичларида шаклланган билим, кўникма ва малакаларни тиклаш, ўзлаштириш ва қайта ишлаш жараёни дарслик ёки ўқув қўлланма муаллифидан бўлажак мутахассиснинг аниқ тур ва шаклдаги фаолиятига бўлган талабни эътиборга олишни тақозо қилади. Магистр илмий билимнинг структураси, шакли ва методлари, уларнинг тараққиёти ва динамикасини, филологик назария яратилишининг умумий тамойилларини, филологик соҳанинг замонавий шароитлардаги асосий вазифаларини билиши, замонавий филологиянинг муаммолари ва истикболини, асосий йўналишларини кўра олиши керак.

Шунингдек, магистратура босқичида талабаларда даврий илмий нашрлар ҳамда монографик адабиётлар билан ишлаш, илмий таҳлил кўникмалари шакллантирилади ва ривожлантирилади. Энг муҳими, ушбу босқичдаги ўқув курслари ва яратиладиган ўқув адабиётлари бўлажак магистрларни илмий изланишларга йўналтириши, мутахассислиги бўйича долзарб мавзуларда тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратиши, илмий ишларни кейинги босқичларда давом эттиришга интилиш пайдо қилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса. Бугунги кунда “янги авлод дарсликлари” тушунчаси таълимни модернизация қилиш талабларига жавоб берадиган ва амалдаги Давлат таълим стандартларига мувофиқ тайёрланган нашрларга нисбатан қўлланади. Янги авлод дарсликларини яратиш муаммоси давлат миқёсига кўтарилди. Унинг ечими ўқув адабиётлари сифатини уларни тайёрлаш босқичидан бошлаб бошқаришга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Олий таълим муассасалари учун яратилаётган ўқув адабиётларининг замонавий талабларга жавоб бериши учун юқорида кўрсатиб ўтилган жиҳатлар ҳамда қатор талабаларни эътиборга олиш муҳим. Бироқ ҳаммани бирдек қониқтирадиган дарслик ёки ўқув қўлланма бўлмайди. Ўқув адабиётнинг асосий қиммати унинг мазмуни тўлиқлигида ёки унинг матни батафсиллигида эмас, балки шу манба билан талаба қандай ишлай олишидадир. Шу боис янги ўқув адабиётларини ишлаб чиқишда уни технологиялар билан максимал даражада таъминлаш муҳим. Аксарияти монография тартибда тузилган анъанавий дарсликлардан фарқли равишда, янги авлод дарсликлари талабани икки томонлама мулоқотга ундаши керак. Бу

қўйилган масалани ҳал қилиш, ўқув муаммосини ечиш, дидактик ўйинда иштирок этиш каби усуллар ёрдамида ифодаланади. Ўқув адабиёти талаба учун таълимнинг анъанавий ва масофавий шаклларида асосий таълим воситаси вазифасини бажарар экан, унда талабани муайян йўналиш ёки мутахассислик бўйича тайёрлашнинг мазмунини ақс эттириш мақсадга мувофиқ. Шу тариқа, дарслик материали таълимнинг асосий мақсадларига жавоб бериши ҳамда касбий билим ва кўникмаларнинг маълум даражасига эришишга ёрдам бериши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Грушевский С. С., Архипова А. И. Модель учебника нового поколения (технологического) как методическая основа создания электронных обучающих систем и интернет-поддержки обучения педагогов // Научный журнал КубГАУ. — 2012. — №83. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/model-uchebnika-novogo-pokoleniya-tehnologicheskogo-kak-metodicheskaya-osnova-sozdaniya-elektronnyh-obuchayuschiy-sistem-i-internet>
2. Давыдова О. В. Современный учебник для вузов: компетентностный подход // Вестник ГУУ. — 2013. — №15. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennyy-uchebnik-dlya-vuzov-kompetentnostnyy-podhod>
3. Мендубаева З. А. Требования к учебной книге // Теория и практика образования в современном мире: Материалы I Международной научной конференции. — Санкт-Петербург, 2012. — С. 340–343. — URL: <https://moluch.ru/conf/ped/archive/21/1694/>
4. Мухитдинова Х. С. Ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитишда ўқув-билув материалларини концентрлар асосида таркибланиш ва улар билан босқичли кетма-кетликда ишлашнинг дидактик жиҳатлари // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. — №3 (32). — Б. 87–100. — URL: <https://journal.fledu.uz/uz/%d1%9ezbek-tilini-ikkinchi-til-sifatida-%d1%9e%d2%9bitishda-%d1%9e%d2%9buv-biluv-materiallarini-konzentrlar-asosida-tarkiblash-va-ular-bilan-bos%d2%9bichli-ketma-ketlikda-ishlashning-didaktik-zhi/>
5. Набиев А. Техника таълим йўналишлари бўйича ўқув адабиётлари янги авлодини яратишга модулли технологияни татбиқ этиш (“материаллар қаршилиги” ва “техник механика” фанлари мисолида) // Замонавий таълим. — 2018. — №12. — Б. 35–41. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tehnika-talim-y-nalishlari-b-yicha-uv-adabiyotlari-yangi-avlodini-yaratishga-modulli-tehnologiyani-tatbi-etish-materiallar-arshiligi-va/viewer>
6. Осмоловская И. М. Учебники нового поколения: поиск дидактических решений // Отечественная и зарубежная педагогика. — 2014. — №4 (19). — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/uchebniki-novogo-pokoleniya-poisk-didakticheskikh-resheniy/viewer>
7. Подласый И. П. Педагогика: 100 вопросов – 100 ответов: учебное пособие для вузов. — М.: ВЛАДОС-пресс, 2004. — 365 с.
8. Тюрина С. Ю. Современный учебник в процессе иноязычной подготовки магистрантов в техническом вузе // Современные проблемы науки и образования. — 2014. — №4. — URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=13848>

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги 816-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.10.2018 й., 09/18/816/2032-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.

References

1. Grushevskiy S. S., Arhipova A. I. *Nauchnyiy zhurnal KubGAU*, 2012, No 83, available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/model-uchebnika-novogo-pokoleniya-tehnologicheskogo-kak-metodicheskaya-osnova-sozdaniya-elektronnyh-obuchayuschih-sistem-i-internet>
2. Davydova O. V. *Vestnik GUU*, 2013, No 15, available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennyy-uchebnik-dlya-vuzov-kompetentnostnyy-podhod>
3. Mendubaeva Z. A. *Teoriya i praktika obrazovaniya v sovremennom mire: Materials of the 1st international scientific conference, St.Petersburg, 2012*, pp. 340–343, available at: <https://moluch.ru/conf/ped/archive/21/1694/>
4. Mukhitdinova Kh. S. *Foreign Languages in Uzbekistan*, 2020, No 32, pp. 87–100, available at: <https://journal.fledu.uz/uz/%d1%9ezbek-tilini-ikkinchi-til-sifatida-%d1%9e%d2%9bitishda-%d1%9e%d2%9buv-biluv-materiallarini-konzentrlar-asosida-tarkiblash-va-ular-bilan-bos%d2%9bichli-ketma-ketlikda-ishlashning-didaktik-zhi/>
5. Nabiev A. *Zamonaviy ta’lim*, 2018, No 12, pp. 35-41, available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/tehnika-talim-y-nalishlari-b-yicha-uv-adabiyotlari-yangi-avlodini-yaratishga-modulli-tehnologiyani-tatbi-etish-materiallar-arshiligi-va/viewer>
6. Osmolovskaya I.M. *Otechestvennaya i zarubezhnaya pedagogika*, 2014, No 4 (19), available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/uchebniki-novogo-pokoleniya-poisk-didakticheskikh-resheniy/viewer>
7. Podlasyj I. P. *Pedagogika: 100 voprosov – 100 otvetov* (Pedagogy: 100 questions – 100 answers): Study guide for universities, Moscow: VLADOS-press, 2004. 365 p.
8. Tyurina S. Yu. *Sovremennye problemy nauki i obrazovaniya*, 2014, No 4, available at: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=13848>
9. *Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 816 “On the provision of higher educational institutions with educational literature”*, The national database of legislation, No. 09/18/816/2032 dd. 11/10/2018.
10. *Concept of development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030*, The national database of legislation, No. 06/19/5847/3887 dd. 09/10/2019; No. 06/20/5987/0521 dd. 30/04/2020.
11. *The law of the Republic of Uzbekistan on Education*, The national database of legislation, No. 03/20/637/1313 dd. 24/09.2020.